

Бухоро вилоят Адлия бошқармаси  
томонидан

2016 йил «9 » августда

36 -сон қарори билан

**Кайта**  
**«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»**



Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши Раёсатининг  
2016 йил «18 » июль да  
4-04-е -сон қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

1.2. Бироралик тағайидалаї Узбекистон Республикасынин  
Наместитиши. Йосанды за Фурманов қодадары, албайттарниң көзінен  
түзүлди және фекирийнен мөбаббеттерді ұйымдастыру. Узбекистон  
Республиканың жаңы барлықтардың ғарыштары «Бердем» мөбаббет  
түзүлдөрдің ғұрышынан. Анықтама негизде туристандағы қызығынан

## **ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ БУХОРО ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ**

### **НИЗОМИ**

**(Энш тақъриғда)**

1.5. Бирлашма тартибынан анықталған тақырыптардың  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

1.6. Бирлашма орталық тұрақ мөндердің мөндердің түзүлдөрдөн  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

1.7. Барлық тұрғындардың мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн

1.8. Бирлашма мүсебеки ресмиша бары, көмірдің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

1.9. Қызметшілердің мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

1.10. Оның түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

1.11. Оның түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің  
бюджеттік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің түзүлдөрдөн көбейткіштік мөндердің

## I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (матнда кейинги ўринларда “бирлашма” деб аталади) – Бухоро вилоятида касаба уюшмалари аъзоларининг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишларини ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳамда бирдамлик асосида амалга ошириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда “Федерация” деб юритилади)га аъзо тармоқ касаба уюшмаларининг худуддаги барча касаба уюшмалари ташкилотларини бирлаштиради.

1.2. Бирлашма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Мехнат ва Фуқаролик кодекслари, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳукуқий хужжатлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси устави ва ушбу Низом асосида амалга оширади.

1.3. Бирлашма Федерациянинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятини Бухоро вилояти худудида (кейинги ўринларда “худуд” деб юритилади) амалга оширади.

1.4. Бирлашма Федерация Кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил этилиб, худудда Федерация манфаатларини ифодалайди ва амалга оширади.

1.5. Бирлашма давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бирлашма фаолиятига аралашишига, шунингдек, бирлашманинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди, қонунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1.6. Бирлашма олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Бирлашма Кенгashi аппарати шакллантирилади.

1.7. Бирлашма ўз фаолиятида давлат органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1.8. Бирлашма мустақил равишда бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш ҳукуқига эга эмас.

1.9. Бирлашманинг номланиши:

ўзбек тилида: тўлиқ – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси; қисқартмаси – ЎзКУФ БВКУТБ;

рус тилида: тўлиқ – Бухарское областное объединение профсоюзных организаций Федерации профсоюзов Узбекистана; қисқартмаси – БООПО ФПУз;

1.8. Бирлашманинг раҳбар органи – Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг жойлашган ери (пошта манзили): 200100. Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 3 уй.

## **II. Бирлашманинг асосий мақсад ва вазифалари**

2.1. Бирлашма фаолиятининг асосий мақсади Федерацияга аъзо тармоқ касаба уюшмаларининг худуддаги барча касаба уюшмалари ташкилотлари аъзоларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари, ишлаб чиқариш, касбий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги саъй-харакатларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, аъзо ташкилотларнинг умумий мақсадларига эришиш, умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаштир.

2.2. Ушбу мақсадлар йўлида бирлашма вазифалари:

аъзо ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга, уларни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик тизимини ривожлантиришга, касаба уюшмалари, иш берувчилар ҳамда Ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уч тарафлама ҳамкорлиги тамойилларининг амалга оширилишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан меҳнат муносабатларига оид, бандлик ижтимоий ҳимоя, меҳнат миграцияси, касб-хунар таълими, меҳнат ва соғлиқни муҳофаза қилиш, касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатларини кенгайтириш, гендер тенглиги, ёшларга оид ва ижтимоий-меҳнат соҳасига алоқадор бошқа масалаларга доир норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқилишида қонунда белгиланган тартибда иштирок этади;

меҳнатга, ижтимоий-иктисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатларга риоя этилиши устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг муносаби турмуши ва ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган шароитлар яратиш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

касаба уюшмалари аъзолари ва уларнинг оиласидан ўртасида соғломлаштириш тадбирларини ташкил этади, маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, санаторий-курортларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда ҳаракат қиласи;

Бирлашманинг мақсадлари ва вазифалари йўлида яратилган ёки сотиб олинган, шунингдек белгиланган тартибда унга бошқа мулкий ҳуқуқ асосида берилган мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унинг сақланишини таъминлайди, мулкий ҳуқуқларининг ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланиш

чораларини амалга оширади, аъзо ташкилотларнинг мулкдан самарали фойдаланишлари бўйича услубий тавсиялар беради;

нашр органларига эга бўлади ва нашриётчилик фаолиятини олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қиласди;

Касаба уюшмаларининг қонунларда белгиланган бошқа хукуқларини амалга оширади.

2.3. Бирлашма касаба уюшмалари ташкилотларининг қўйидагиларга эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиради ва қўллаб-куватлайди:

миллати, жинси; ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар, касаба уюшма аъзосининг меҳнат қилиш, эркин иш ва касб танлаш, адолатли меҳнат шароитига ва ишсизликдан химояланишга бўлган конституциявий хукуқларига риоя этилишига;

максимал даражада бандликнинг таъминланиши, даромадларнинг оширилиши ва мулкий табақаланиш даражасининг камайтирилишига;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий адолатли тизими жорий этилишига;

ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига мувофик ишловчиларнинг малакаси оширилиши ва касбий қайта тайёрланишига;

меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хукуқий хужжатларга риоя этилишига;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан меҳнаткашларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва маданий хукуқ ва манфаатларига доир норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва юрт осойишталигини саклаш борасида ўзаро ҳамкорлик олиб борилишига;

меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик йўлга қўйилиши, жамоа музокараларининг ташкил этилиши, жамоа шартномалари ва келишувлари тузилиши, уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғломлаштириш, оммавий спортни тарғиб этиш, маънавий салоҳиятни юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этилишига, шунингдек маданият, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига қўмаклашишга.

### III. Бирлашманинг хукуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Бирлашма қўйидаги хукуқларга эга:

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида касаба уюшмалари аъзоларининг иқтисодий, меҳнат, ижтимоий хукуқ ва манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш;

итимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқиша қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича келишувлар тузиш ва уларнинг амалга оширилишига эришиш;

### **3.2. Бирлашма:**

қонун хужжатларига риоя этишга;

Федерация Устави талаблари, Федерация органларининг Уставга мувофик қабул қилган қарорларини бажаришга;

Федерация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, Федерация аъзо ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда бирдамлик кўрсатишга, Федерациянинг мақомини мустаҳкамлаш ва унинг жамиятдаги ҳамда халқаро касаба уюшмалари ҳаракатидаги ролини ошириш бўйича иш олиб боришга;

Федерация ва унга кирган аъзо ташкилотлар манфаатларини камситадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка;

ижтимоий суғурта бюджети ва санаторий йўлланмаларини тақсимлаш режасини тасдиқлаш, ижтимоий суғурта маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат юритиш, Федерация Кенгацига бюджет ижроси бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этишга;

касаба уюшмалари ташкилотларига ташкилий-хуқуқий, услугбий-консультатив ёрдам кўрсатишга;

ваколати доирасида қабул қилинаётган, ўзгартиришлар киритилаётган ёки бекор қилинаётган низомлар ҳамда бошқа тегишли хужжатлар ҳақида Федерацияни хабардор қилиб боришга;

Федерация таъсис этган оммавий ахборот воситалари, унинг тасарруфидаги бошқа ташкилотлари фаолиятига кўмаклашишга;

Федерация Кенгashi томонидан белгиланган тартибда, муддатларда ва миқдорда аъзолик бадалларидан ажратмаларни Федерациянинг ҳисоб рақамига ўтказиб боришга;

касаба уюшмаси маблағлари, шунингдек, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлашга;

аъзолик бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва йўлланмалардан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни белгиланган шакл ва тартибда Федерация Кенгацига тақдим этишга мажбур.

**3.3. Бирлашма раҳбари** Федерация коллегиал органлари қабул қилган қарорларнинг амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир.

Қарорларни бажармаслик ҳоллари Федерациянинг ваколатли тузилмалари томонидан кўриб чиқилади.

#### **IV. Бирлашманинг аъзо ташкилотлари, уларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари**

4.1. Федерацияга аъзо касаба уюшмаларининг худуддаги тузилмавий ташкилотлари бирлашма таркибига киради.

Бирлашмага янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ҳақидаги қарор Бирлашма Кенгаши Раёсати томонидан, уларнинг коллегиал органи қарори, Низоми, аъзолар сони ҳақидаги маълумот, ташкилий тузилмаси, раҳбар органларининг жойлашган жойи – юридик манзили, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аъзолик бадалларини тўлаш бўйича мажбурияти илова этилган ёзма аризаси асосида қабул қилинади.

Бирлашмага аъзоликка қабул қилиш ҳақидаги Бирлашма Кенгаши Раёсатининг қарори Бирлашма Кенгаши тасдигига киритилади.

Бирлашмага қабул қилиш рад этилганда бу масала аъзоликка кирувчи ташкилот томонидан Бирлашма Кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

Бошлангич ташкилотнинг тегишли худуддаги тармоқ ташкилотларини четлаб ўтган ҳолда бирлашмага киришларига йўл қўйилмайди, худудий ташкилотлари бўлмаган касаба уюшмалари бундан мустасно.

4.2. Қуйидаги ҳолларда Бирлашмага аъзолик тўхтатилади:

Аъзо ташкилот тугатилганда;

Аъзо Республика касаба уюшмаси ташкилоти Федерацияси таркибидан чиқканда;

Аъзо Республика касаба уюшмаси ташкилоти Федерацияси таркибидан чиқарилганда;

Аъзо ташкилот Бирлашма таркибидан чиқканда;

Аъзо ташкилот Бирлашма таркибидан чиқарилганда.

4.3. Аъзо ташкилотлар бирлашма аъзолигидан чиқканда ёки чиқарилганда молиявий ёки мулкий масалалар тегишлилигига кўра касаба уюшмаси Республика ташкилоти ва бирлашма билан келишилган ҳолда Федерация Кенгаши Раёсати томонидан кўриб чиқилади.

#### **4.4. Аъзо ташкилотлар:**

Федерация Устави, Бирлашма низоми, Бирлашма сайланма органларининг Федерация Устави ва ушбу Низомга мувофиқ ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини бажаришга;

Бирлашма фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, Бирлашма аъзо ташкилотларининг хуқук ва манфаатларини ҳимоя этишда бирламлик кўрсатишга, Федерациянинг мақомини мустаҳкамлаш ва унинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича иш олиб боришга;

Федерация Кенгashi, Республика иш берувчилар уюшмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Бош келишув тузилиши ва бажарилишиги кўмаклашишга;

Бирлашма ва унга кирган аъзо ташкилотлар манфаатларини камситадиган ҳатти-харакатларга йўл қўймасликка;

ўз низомлари ва раҳбар кадрлари таркибидаги ўзгаришлар, қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақида Бирлашмани хабардор қилиб боришга;

ўзлари бирлаштирган касаба уюшмалари аъзолари сони ҳақида маълумот, аъзолик бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни норматив ҳужжатларда белгиланган шакл ва тартибда Бирлашма Кенгашига тақдим этишга мажбурлар.

#### **4.5. Аъзо ташкилотлар:**

Бирлашма иштирокида тузиладиган худудий (минтақавий) келишувларга киритиш учун ўз таклифларини тақдим этиш, келишув лойиҳасини ишлаб чиқиша иштирок қилиш;

белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ бирлашма конференциясига делегатлар сайлаш;

ўз вакилларини белгиланган тартибда бирлашма кенгashi таркибиға сайлаш, чақириб олиш ва уларни алмаштириш;

бирлашманинг сайланма органлариға касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича мурожаат этиш, тушунтириш ва маълумотлар олиш, зарурат туғилганда кўйилган масалаларни ҳал этишда кўмак олиш;

фаолиятига доир ҳужжатлар лойиҳаларини Бирлашма органлариға кўриб чиқиши учун киритиш;

ўз вакиллари орқали Бирлашманинг коллегиал органлари ишида иштирок этиш;

ходимларнинг ижтимоий-мехнат ҳукуқлари ва манфаатларига доир норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бирлашманинг таклифларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

Федерация, Республика иш берувчилар уюшмалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Бош келишув лойиҳасига ўз таклифларини киритиш ва Бирлашманинг ушбу йўналишдаги фаолиятида қатнашиш;

Бирлашма мулкидан фойдаланиш ва уни бошқаришда иштирок этиш;

Касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитиш, ўз фаолияти учун зарур ахборот олиш ва тарқатиш учун Бирлашма имкониятларидан фойдаланиш, ўз вакилларини Бирлашма томонидан ўтказиладиган тадбирлар, ўқув семинарларига йўллаш ва бошқа ҳукукларга эга.

## V. Бирлашма органлари

### 5.1. Куйидагилар Бирлашма органлари хисобланади:

Бирлашма конференцияси;  
Бирлашма кенгashi;  
Бирлашма кенгashi раёсати;  
Бирлашма раиси;  
Бирлашма тафтиш комиссияси.

**5.2. Бирлашма конференцияси** бирлашманинг олий органи бўлиб, бирлашма кенгashi томонидан беш йилда камида бир маротаба чақирилади.

Конференция чакириш, вакиллик меъёри ҳамда тавсия этилаётган кун тартиби тўғрисида конференциядан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Конференцияга вакиллик меъёри, Бирлашма Кенгашини шакллантириш, делегатларни сайлаш тартиби Бирлашма Кенгashi мажлиси томонидан белгиланади.

Бирлашма раиси, Бирлашма Кенгashi раисининг ўринbosарлари ўз лавозимларига кўра Бирлашма конференциясининг делегатлари хисобланадилар.

**5.3 Навбатдан ташқари конференция** Бирлашма кенгashi ташаббуси ёки Бирлашмага аъзо ташкилотларнинг камида учдан бир қисмининг талаби билан Бирлашма Кенгashi ёхуд Федерации Кенгashi Раёсати қарорига мувофиқ чақирилади ва уни чакириш, вакиллик меъёри ҳамда кўзда тутилган кун тартиби хақида камида бир ой олдин эълон қилинади.

### 5.4. Конференция ваколатига:

Бирлашманинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурий хужжатларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Бирлашма Кенгashi ва Бирлашма назорат-тафтиш комиссияси фаолияти ҳақидаги ҳисботларни эшитиш ва уни тасдиқлаш;

Бирлашма раисини, Бирлашма Кенгashi аъзоларини сайлаш, белгиланган квотага мувофиқ аъзо ташкилотлар томонидан тўғридан-тўғри вакил йўллаш принципига биноан сайланган Бирлашма Кенгashi аъзолари ваколатларини тасдиқлаш;

Бирлашманинг назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш, унинг ваколатларини белгилаш;

белгиланган тартибда ва вакиллик меъёрига мувофиқ Федерации Курултойига делегатларни, Федерации Кенгashi таркибига вакилларини сайлаш, уларни чақириб олиш;

Федерациянинг Устави ва мазкур Низомга зид келмайдиган бошқа масалаларни хал этиш киради.

**5.5. Бирлашма кенгashi бирлашма конференциялари оралиғида раҳбар орган бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.**

Бирлашма кенгаши белгиланган меъёрға мувофиқ унинг таркибига аъзо ташкилотлардан вакил йўллаш принципи бўйича бевосита конференцияда сайлаш орқали шакллантирилади.

Бирлашма кенгашининг мажлиси бирлашма кенгаши раёсати қарорига мувофиқ заруратга қараб, лекин ҳар йили камида бир маротаба ўтказилади.

Бирлашма Кенгаши таркибига Конференцияда сайланган аъзолар, лавозимига кўра Бирлашма раиси ва унинг ўринbosари киради.

### **5.6. Бирлашма кенгаши:**

Федерация Қурултойи, Федерация Кенгаши, Федерация Кенгаши Раёсати ва Бирлашма конференцияси қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўради;

Конференциялар оралиғида Федерация Кенгаши таркибидаги ўз вакилларини чақиритириб олиш ва уларнинг ўрнига бошқа вакилларини сайлаш хуқуқига эга;

Федерация Кенгаши томонидан белгиланган тартибда бирлашма мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласи, Бирлашма Кенгаши мажлислари оралиғида мазкур ваколат Бирлашма Кенгаши Раёсати томонидан амалга оширилади ва кейинчалик Бирлашма Кенгаши тасдигига киритилади;

Бирлашма конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қиласи, кун тартибини таклиф этади ҳамда Бирлашма Кенгашини шакллантириш, делегатларни сайлаш тартиби ва меъёрини белгилайди;

Бирлашма Кенгаши раҳбарлари ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг Федерация ва Бирлашма раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди. Аъзо ташкилот томонидан Федерация Устави, Бирлашма Низоми, Федерация ва Бирлашма раҳбар органлари қарорлари бажарилмаган, аъзолик бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган ҳолларда ушбу ташкилотга хизмат кўрсатишни тўхтатиш ва унинг вакилларини Бирлашманинг коллегиал органлари мажлисларида овоз бериш хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи, аъзо ташкилотнинг тегишли сайлаб қўйиладиган органларига мазкур ҳолат юзасидан тегишли чораларни кўриш юзасидан мурожаат қиласи;

Бирлашма кенгаши раёсатининг сон тартибини белгилайди ва Раёсат аъзоларини Бирлашма кенгаши ваколати муддатига сайлайди;

Бирлашма Кенгаши Раёсатининг ҳисоботини тинглайди, аъзо ташкилотлар ўртасида юзага келган касаба уюшмалари фаолиятига доир низоларни кўриб чиқади;

Конференциялар оралиғида Бирлашма Кенгаши аъзоларини таркибдан чиқариш, сайлаш ва Бирлашма Кенгаши таркибига янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлаш хуқуқига эга;

Бирлашма Кенгаши Раёсатининг Бирлашмага янги аъзо ташкилотларни қабул қилиш ёки аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди, янги

аъзо ташкилотни қабул қилиш Бирлашма Кенгаши Раёсати томонидан рад этилган ҳолларда мазкур ташкилотнинг апелляциясини кўриб чиқади;

бирлашма раиси ўринбосарини сайлайди ва лавозимидан озод қиласди; Бирлашма Кенгаши мажлислари оралиғида Бирлашма раиси ўринбосарини сайлаш масаласи кейинчалик Кенгаш мажлисида тасдиқлаш шарти билан Бирлашма Кенгаши Раёсати томонидан ҳал қилиниши ҳам мумкин;

айрим (шу жумладан, раис ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтганлиги, саломатлиги ёмонлашғанлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолган) ҳолларда Конференция оралиғида Бирлашма раисини сайлайди ва лавозимидан озод қиласди;

Конференциялар оралиғидаги даврда Бирлашма раиси ўз хоҳишига кўра лавозимидан озод этилган ҳолда, Конференция ўтказилгунига қадар Бирлашма раиси вазифасини бажаришни унинг ўринбосарига юклаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Федерациянинг Устави ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳал этади.

Бирлашма Кенгаши ўз фаолиятида Федерация раҳбар органлари ва Бирлашма Конференцияси олдида хисобдордир.

5.7. Бирлашма Кенгашининг мажлислари Кенгаш Раёсати қарорига ёки Бирлашма Кенгаши аъзолари умумий сонининг камидан учдан бир қисмининг талабига кўра чақирилади.

Бирлашма Кенгаши мажлисларини Бирлашма раиси, Бирлашма раиси иштирок этмаган ҳолларда эса Бирлашма раиси ўринбосари олиб боради.

5.8. Бирлашма кенгаши ягона ижтимоий тўлов ва касаба уюшмаси бюджети бўйича маблағларнинг тўлиқ тушиши ва тўғри сарфланиши ҳамда Федерация Кенгашига ажратмалар ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлайди, бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

### **5.9. Бирлашма Кенгаши Раёсати:**

Бирлашма кенгаши мажлислар оралиғида жорий масалаларни ҳал этиш учун ўз таркибидан раёсатни (кейинги ўринларда “Кенгаш раёсати” деб аталади) сайлайди. Бирлашма кенгаши раёсатининг сон таркиби бирлашма кенгаши томонидан белгиланади ва бирлашма кенгаши раёсат аъзоларини бирлашма кенгаши ваблат муддатига сайлайди.

Кенгаш раёсати таркибига бирлашма раиси, унинг ўринбосари, бирлашма Кенгаши томонидан сайланган бошқа аъзолар киради.

5.9. Кенгаш раёсати мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камидан бир маротаба ўтказилади.

### **5.10. Кенгаш раёсати:**

Касаба уюшмаларининг мулқдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат

килиш борасидаги фаолиятини ташкил этади ва ҳудуд бўйича мувофиқлаштириб боради;

Бирлашмага янги ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек аъзоликдан чиқариш масалаларини олдиндан кўриб чиқади ҳамда Бирлашма Кенгаши мажлисига тақдим қиласди;

Бирлашма Кенгаши мажлисини чақиради, уни кун тартиби ва ўтказиш жойи юзасидан таклифлар киритади, муҳокама қилинаётган масалаларга оид материалларни тақдим этади, Федерация ва Бирлашма органлари қарорларининг бажарилиши ва назоратини ташкил қиласди;

Бирлашма Кенгашига Бирлашма раиси ўринбосарини лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритади, шунингдек айрим (шу жумладан, лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган, саломатлиги туфайли ўз вазифаларини бажара олмаган) ҳолларда Кенгаши мажлислари оралиғида уларни лавозимидан озод қиласди ва Бирлашма Кенгаши мажлиси тасдиғига киритади;

Бирлашмага аъзо ташкилотларнинг сайлаб кўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиши мумкин;

ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида Бирлашма Кенгашига ахборот беради;

Бирлашма Кенгаши мажлислари оралиғида бирлашма мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди ва кейинчалик Бирлашма Кенгаши тасдиғига киритади;

Бирлашманинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширади, Федерация Кенгаши Раёсати билан келишган ҳолда Бирлашма кенгашининг касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини, мазкур бюджетлар ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини тасдиқлайди;

худуддаги касаба уюшмалари ташкилотларига касаба уюшмалари ва бошқа тизимдаги санаторийларга йўлланмалар беради ҳамда болалар оромгоҳларини молиялаштириш масалаларини ҳал этади;

касаба уюшмаси маблағлари, шунингдек ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлайди;

касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини Федерация Кенгашининг Фахрий ёрлиғи, нишонлари билан тақдирлаш, шунингдек Давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида Федерация Кенгаши Раёсатига таклифлар, тақдимномалар киритади;

иши режасига мувофиқ ёки заруриятга кўра, Бирлашмага аъзо ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотларни танглайди;

Федерация Кенгаши Раёсати қарори асосида Бирлашма Кенгаши аппаратининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Конференция, Бирлашма Кенгаши ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

### **5.11. Бирлашма раиси:**

Бирлашма Кенгаши, Кенгаш раёсати аъзоси ҳамда раиси хисобланади ва беш йил муддатга сайланади.

Федерация Устави, ушбу Низом бўйича вазифаларни, шунингдек Федерация органлари ва Бирлашма сайланма органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва унинг олдида ҳисобдордир;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларда Бирлашманинг вакили сифатида қатнашади;

Бирлашма номидан ишончномасиз иш кўради;

бирлашманинг сайланма органлари ишига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Бирлашма Кенгаши ва Назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисларини ўтказади;

худудда касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ишларни таҳлил қиласи ва умумлаштиради;

белгиланган тартибда Бирлашма учун келишиш учун киритилган норматив ва норматив-хуқуқий хужжатларни имзолайди;

касаба уюшмаси бюджетининг, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга, маънавият ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишини ташкил этади, Бирлашманинг молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлайди;

Ягона ижтимоий тўловлардан ҳодимлар ва уларнинг аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишини ташкил этади ва назорат қиласи;

Бирлашма Кенгаши аппарати ҳодимлари билан белгиланган тартибда меҳнат муносабатларига киришади;

Бирлашма номидан ишончнома беради;

Бирлашма Кенгаши Раёсатини чакиради, мухокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрланишини ташкиллаштиради, Раёсат мажлисига масалаларни киритади, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди ва назорат қиласи;

Бирлашма Кенгаши ва Кенгаш Раёсати қарорларини имзолайди;

Бирлашма Кенгаши аппарати фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи;

Мазкур низомда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чикаради;

Бирлашма номидан хўжалик ва бошқа турдаги шартномалар тузади;

Бирлашманинг сайланма органлари унга ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

### **5.12. Бирлашма Назорат-тафтиш комиссияси:**

Бирлашма конференцияси томонидан Бирлашма Кенгашининг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади ва жамоатчилик асосида фаолият юритади;

ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Бирлашма конференцияси олдида ҳисобот беради.

Федерация Устави, мазкур Низом ва Федерация Курултойи томонидан тасдиқланадиган Назорат-тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомга мувофиқ фаолият олиб боради.

5.13. Бирлашма Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан бевосита мувофиқлаштириб ва йўналтириб турилади.

5.14. **Бирлашма кенгаши аппарати** бирлашма органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

Бирлашма кенгаши аппарати ўз фаолиятини Бирлашма Кенгаш Раёсати томонидан тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

5.15. Бирлашма Кенгаши аппарати:

ходимларнинг ижтимоий-мехнат хуқуқларига доир, жумладан, бандлик, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш ҳақи, меҳнат шароити, ходимларнинг меҳнатини, соғлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой ва майший турмуш шароити, маданий хизмат кўрсатиш, ходимларнинг ижтимоий кафолатлари масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан фаолият олиб боради;

аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмалари умумий вазифаларини бажариш борасидаги ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради, касаба уюшмаларининг вилоят миқёсидаги тадбирларини ўтказади;

мехнаткашларнинг ижтимоий-мехнат хуқуқлари ва манфаатларига доир масалаларни қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш юзасидан фаолият олиб боради;

аҳолининг бандлик даражасини таҳдил қиласи, ишсизликни камайтириш, вақтинча ишсизларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва аниқ ишларни олиб боришда давлат органларига кўмаклашади;

аъзо ташкилотлар томонидан илгари сурилган ҳимоя талабларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви, шунингдек суд органларида қўллаб-қувватлайди, меҳнаткашларнинг хуқуқ ҳамда манфаатларини ифодә этиш ва ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган хуқуқларидан фойдаланади;

ўз ваколатлари доирасида аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмаси фаолиятига тегишли барча йўналишлардаги ишларини ташкил қиласи, йўналтиради ва амалий ёрдам беради;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар билан биргаликда санаторий-курортларда даволашни, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни, маданият, дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириш чораларини кўради;

қонунда касаба уюшмаларига берилган хуқуқлар ҳамда Бирлашма раҳбар органлари берган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни амалга оширади.

## **VI. Бирлашма коллегиал органлари мажлислининг тўла хуқуқли бўлиши, уларда қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари**

6.1. Бирлашма конференцияси делегатларнинг камидаги учдан икки қисми иштирок этгандагина тўла хуқуқли ҳисобланади.

Бирлашма конференцияси делегатларининг ваколатлари Бирлашма Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланади.

6.2. Бирлашма кенгаши ва Бирлашма кенгаши Раёсати мажлислари ушбу сайланма органлар аъзоларининг ярмидан кўпичи иштирок этган тақдирда тўла хуқуқли ҳисобланади.

6.3. Бирлашма органлари қарорлари, агар мазкур низомда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, қатнашаётган делегатлар ёки аъзоларининг ярмидан кўпичи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли (очик ёки яширин) бирлашма конференцияси делегатлари, сайланма органлар аъзолари томонидан белгиланади.

6.4. Бирлашма органлари мажлислирида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилади.

## **VII. Бирлашманинг мулки ва маблағлари**

7.1. Бирлашманинг мулки ва маблағлари аъзолик бадаллари ҳисобидан Федерация Кенгашининг ажратмалари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ягона ижтимоий тўловдан йўналтирилган ажратмалар, қонунларда белгиланган тартибда хўжалик ва бошқа фаолиятдан олинган, низом мақсадларига йўналтирилувчи маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва ҳомийлик маблағлари ва қонунда таъкиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

Аъзолик бадалининг микдори, тўлаш ва сарфлаш тартиби Федерация Кенгаши томонидан белгиланади.

7.2. Бирлашма амалдаги қонунчиликка биноан ва Федерация Кенгаши томонидан белгиланган тартибда ўзига тегишли маблағларга ва мулкка эгалик қиласиди, улардан фойдаланади ва тасарруф этади.

7.3. Бирлашма мулки объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, механизmlар, жиҳозлар, транспорт ва техник воситалар, инвентарь, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган мулк, пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, корхоналар ва хўжаликлар, соғломлаштириш, спорт, ўқув муассасалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, интеллектуал мулк, шунингдек қонунчиликда таъкиқланмаган бошқа мол-мулклар киради.

7.4. Бирлашма кенгаши Федерация Кенгаши билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқариш, хўжалик ва қонун билан рухсат этилган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларни касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иктисодий хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, касаначиликни ривожлантириш хамда Федерация Устави ва мазкур Низомда белгиланган вазифалар доирасида маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўtkазиш мақсадларига сарфлаши мумкин.

7.5. Бирлашма аъзо ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, аъзо ташкилотлар ҳам Бирлашманинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

7.6. Бирлашма мулкининг дахлсизлиги ва унинг мулқдорлик ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланади.

### **VIII. Бирлашманинг ҳуқукий мақоми**

8.1. Бирлашма юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, бланклари ва банкларда ҳисоб рақамларига эга.

8.2. Бирлашма ўз бланкida Федерация рамзи тасвиридан фойдаланиши мумкин.

8.3. Бирлашманинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Низомда белгиланган ваколатлар доирасида Бирлашма органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

### **IX. Бирлашманинг ҳисоб ва ҳисботи**

9.1. Бирлашма ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органлари, шунингдек Федерация Кенгашига белгиланган тартибда ҳисботлар тақдим этади.

### **X. Бирлашмани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

10.1. Бирлашмани қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзғартириш) ёки тугатиш Федерация Кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

Бирлашмани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.2. Бирлашмани тугатиш ҳақида Федерация Кенгаши томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, Федерация Кенгаши қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулк ва маблағлар Федерация ҳисобига ўтказилади.

10.3. Бирлашма фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Бирлашмани тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

### **XI. Якуний қоидалар**

11.1. Мазкур Низомга ўзғартириш ва қўшимчалар киритиш Федерация Кенгаши Раёсатининг ваколатига киради.

11.2. Низомга киритилган барча ўзғартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда худудий адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилади.



24